**XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT SHAHAR KENGASHINING**
**Q A R O R I**

2022 - yil 16 - sentabr VI-70-241-14-0-K/22 Toshkent shahar hokimligi

# Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш бўйича бош режасини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли Фармонига мувофиқ ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий эълон қилинди ва 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-46-сонли Фармони билан мораторийнинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилган.

2021 йил Давлат раҳбарининг ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси эълон қилиниб, лойиҳа доирасида Тошкент шаҳрида 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумида “1 миллион дарахт” дарахт ва бута кўчатлари экилиши режалаштирилиб, амалда маҳаллий ҳокимликлар ва бириктирилган вазирлик ва идоралар томонидан, жами Тошкент шаҳри ҳудудига 2 165,2 минг дона дарахт ва бута кўчатлари экилган.

Лойиҳа доирасида ҳар бир туманда бир турдаги дарахтлардан иборат “намунавий кўчалари”, 8200 метр узунликдаги “экология кўчалари”, 42,3 гектар “яшил боғлар”, 20,9 гектар “яшил жамоат парклари” ва 10900 метр узум ишкомлари барпо этилган.

Ҳудудда суғориш тизимларини яхшилаш ва янгиларини барпо этиш мақсадида 2022 йилда белгиланган умумий 100 та ер ости сув қудуқларининг 100 таси қазилиб, 43 донаси тўлиқ ишга туширилди ва 57 дона ер ости сув қудуқларига насос ўрнатиш ва электр таъминотига улаш ишлари бажарилмоқда.

Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини олиб борилганлигига қарамай дарахтларга шикаст етказиш, экиш жараёнида сифат эмас, сон ортидан қувиш ҳолатлари учрамоқда.

Тошкент шаҳрида кўкаламзорлаштиришнинг узоқ йилга мўлжалланган стратегияси амалга ошириш мақсадида, Тошкент шаҳрини йирик пойтахт шаҳарлар каби кўкаламзорлаштиришни давр талаби ҳисобланади.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддалари асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-46-сонли Фармони талабларига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5863-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги “Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 553-сонли қарорида кўкаламзорлаштириш чора-тадбирлари қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республика Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Пезидентининг “Тошкент шаҳри – яшил майдон” қарори лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари раислигида 2022 йил 8 июлда ўтказилган йиғилишнинг 03-Б-46/1-сонли баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳрининг 2023-2027 йилларга мўлжалланган кўкаламзорлаштириш бош режаси (кейинги ўринларда – Бош режа) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш бўйича бош режага мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи таркиби;

Тошкент шаҳар ҳудудида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш учун экиладиган манзарали, мевали дарахтлар, бута ва гул кўчатлари рўйхати;

2023-2027 йилларда Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги ташкилотлар томонидан экиладиган мавсумий гуллар режаси;

2023-2027 йилларда Тошкент шаҳри туманларда экиладиган дарахт ва бута кўчатлари режаси;

2023–2027 йилларда Тошкент шаҳри туманларида экиладиган дарахт ва бута кўчатларининг манзилли рўйхати, турлари ва миқдори;

Тошкент шаҳрида ирригация ва суғориш тизимини ўрганиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлар режаси тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳи вазифалари:

- ирригация ва суғориш тизимлари ҳолатини ўрганиш;

- шаҳар ҳудудларининг тупроқ-иқлим хусусиятларини таҳлил қилиш;

- мавжуд дарахтлар сони, тури ва жойлашуви;

- шаҳарнинг кўкаламзорлаштирилганлик даражасини аниқлаш;

- дарахтлар ва буталар экилиши мумкин бўлган бўш ер майдонларини аниқлаш;

- “Тошкент шаҳри – яшил майдон” ғоясини амалга ошириш учун экилиши зарур бўлган дарахтлар ва буталар прогнозларини белгилаш;

- ҳудуднинг жойлашиш рельефи ва тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда шағалли ерларга мос, қурғоқчилик иқлимига чидамли ҳамда илдиз тизими чуқур ўсувчи дарахт-бута ўсимликлари танлаб олиш;

- Тошкент шаҳар ҳудудида марказий кўчаларининг йўл бўйлаб фақатгина баланд ўсадиган, танаси қаттиқ турдаги, шапалоқ баргли кўп йиллик дарахт турлари (эман, шумтол, чинор, акация, липа) экилиши;

- иккинчи даражали кўчаларнинг йўл бўйларига, аҳоли мавзелари, ижтимоий соҳа объектлари атрофларига шаҳарнинг фитосанитар ҳолатини мўътадиллигини таъминлайдиган, таннархи арзон, маҳаллий шароитларга мослашувчан, стандарт талабларга жавоб берадиган, шаҳар флорасини кўпайтириш мақсадида эман, каштан, сафора, акация, липа, богрянник, лола дарахти, клён ва бошқа турдаги дарахт кўчатларини экилиши;

- ҳар йили шаҳарнинг марказий кўчаларига эскиз асосида мавсумий гул кўчатларини экилиши;

- шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи каналлар ва очиқ сув ҳавзалари қирғоқ бўйлари ободонлаштирилиб, сайилгоҳлар барпо этилиши;

- ўсимликларда учрайдиган касалликлар ва зараркунанда ҳашаротларга қарши ўз вақтида тизимли курашиш ишларини олиб бориши белгилаб қўйилсин.

4. Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси туман ҳокимликлари билан биргаликда:

Тошкент шаҳрида атроф-муҳитга таъсири бўйича биринчи ва иккинчи тоифага мансуб бўлган корхоналарининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги 95 фоиздан паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмаларни ўрнатилишини назорат қилиш;

атмосфера ҳавосини ифлосланишини олдини олиш бўйича амалий чоралар кўрилишини таъминласин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (А.Хен), Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Ф.Деҳқонов):

Тошкент шаҳридаги мавжуд дарахт ва бута кўчатларининг жойлашган манзиллари, рельфи, атмосфера ҳавосини ифлосланишини мониторинг қилиш постлари ўрнатилган манзиллар ҳамда пойтахтнинг кўкаламзорлаштириш даражаси тўғрисида “Рақамли Тошкент” дастури доирасида электрон платформага кирилган маълумотлар доимий равишда янгилаб борилишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров), Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти билан биргаликда:

Тошкент шаҳрида мавжуд чинор ва қайрағоч дарахтларида аниқланаётган пўстлоқхўр зараркунанда ҳашаротларини шаҳар ҳудудлари кесимида аниқлаб зарарланган ҳудудларни фоизларда белгилаш, лаборатория таҳлилларини ўтказиш, дарахтларни сақлаб қолиш учун лозим бўлганда чет эллик мутахассисларни жалб этиш;

пўстлоқхўр зараркунанда ҳашаротларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин.

7. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров):

2022 йил 1 ноябрга қадар, Тошкент шаҳридаги мавжуд ирригация тизимларини хатловдан ўтказиб, тармоқларини жорий таъмирлаш ва лозим бўлганда янгилаш чораларини кўрсин.

8. Тошкент шаҳар каналлардан фойдаланиш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш бошқармаси:

2022 - 2024 йилларда Тошкент шаҳридан ўтадиган каналларнинг 62 км қисми қирғоқ бўйларида ободонлаштириш чора-тадбирларни амалга ошириш, каналларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш, кўкаламзорлаштириш ва сайилгоҳлар ташкил этиш таклифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПФ-46-сонли Фармонида белгиланган вазифаларга биноан аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчиларга туташ ҳудудлардан келиб чиққан ҳолда дарахтлар бириктирилсин ҳамда дарахт ва бута кўчатларини суғориш ва парвариш қилиш масъулияти юклатилсин.

10. 2024 йилга қадар Тошкент шаҳрини яшиллик даражасини ўттиз фоизга етказиш мақсад қилинганлиги инобатга олинсин.

11. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Ф.Деҳқонов), Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров) Тошкент шаҳар бош режаси тасдиқланганидан сўнг, ушбу қарорни Тошкент шаҳар бош режасига мувофиқлаштирилсин.

12. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши котибияти (А.Касимов) мазкур қарор билан тасдиқланган Бош режани тегишли бошқарма, корхона ва ташкилот ҳамда туман ҳокимликларига етказиш чоралари кўрилсин.

13. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 29 августдаги “Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш бўйича бош режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳақида”ги VI-69-239-14-0-K/22-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича доимий комиссияси раиси Л.Кабулжанова ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов зиммасига юклансин.

**Kengash raisi** **ARTIKXODJAYEV J. A.**

Xalq deputatlari Toshkent shahar Kengashining
2022 yil 16 sentabrdagi
VI-70-241-14-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

# Тошкент шаҳрининг 2023-2027 йилларга мўлжалланган кўкаламзорлаштириш бўйича БОШ РЕЖАСИ

## Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш бўйича бош режага мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ таркиби

| | | |
|---|---|---|
| Б.Рахмонов | — | Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, *ишчи гуруҳ раиси;* |
| А.Садиков | — | Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи, *ишчи гуруҳ раиси ўринбосари;* |
| А.Маматкаримов | — | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси ўринбосари, *ишчи гуруҳ раиси ўринбосари;* |
| Ш.Турдикулова | — | Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари; |
| Р.Шарифов | — | “ToshkentboshplanLITI” ДУК; |
| А.Пинарбаси | — | “ToshkentboshplanLITI” ДУК нинг лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича турк маслаҳатчиси; |
| М.Эрмейдан | — | “Манзарали гуллар ва дарахтлар” МЧЖ “Flowers Garden” корхонасининг турк мутахассиси; |
| А.Халмурзаева | — | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ҳузуридаги академик Ф.Н.Русанов номидаги Тошкент ботаника боғи мутахассиси; |
| М.Султанова | — | Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи ўринбосари - бош агроном; |

Ф.Деҳқонов — Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи;

А.Умаров — Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи.

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

**Тошкент шаҳар ҳудудида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш учун экиладиган манзарали, мевали дарахтлар, бута ва гул кучатлари рўйҳати**

**1. Шаҳар шох кўчаларини ва сайилгоҳларига экиладиган дарахтлар тури.**

1. Эманнинг ҳамма турлар
2. Америка шум толи
3. Япон Софораси
4. Каштан конский
5. Чинор (**чекланган**)
6. Қирим қарағайи

2. **Иккинчи даражали дарахтлар тури:**

1. Багряник
2. Хиндистон дарахти (Азимина)
3. Виргин хурмоси (хумо мелкоплодная)

4. Қоғоз дарахти
5. Терак (момиқ чиқармайдиган тури)

3. **Майдон ва ҳиёбонлар учун экиладиган дарахтлар тури.**

1. Эман ҳамма турлари
2. Чинор (чекланган)
3. Мажнун тол
4. Майда мевали ўрик
5. Жийда
6. Қизил баргли олхўри (слива писсардия)
7. Қирим соснаси
8. Виргин арчаси (можжевельник)
9. Тескари ўсувчи тут (шелковица планкучая)
10. Унаби (жилон жийда)
11. Америка дўлонаси
12. Оддий арча (туя)
13. Тяншан арчаси(ель тяншаньская)
14. Кўмиш рангли арча (ель голубая)
15. Жука (липа милколистная)
16. Шойи акация (шелковая акация)
17. Богряник
18. Лола дарахти
19. Қайин (берёза)

**4. Бута кўчатлари.**

1. Сирия атиргули
2. Пахта гули (гибискус)
3. Япон беҳиси (айва японская)
4. Сирень
5. Индиский сирень
6. Фарзиция
7. Спирея
8. Бульдонеж
9. Буксус
10. Бересклет
11. Монголия подубнолистная
12. Можживельник казицкий
13. Вегелла
14. Климатис
15. Плюш кавказский

**5. Мавзей, муассаса тиббий ва ўқув корхоналари ва кўп қаватли уйлар орсида экиладиган мевали, манзарали дарахтлар турлари.**

1. Олча
2. Олма

3. Ўрик
4. Олхўри
5. Беҳи
6. Жийда
7. Ёнғоқ
8. Хурмо
9. Анор
10. Гилос
11. Арчаларнинг ҳамма турлари
12. Шум тол
13. Эман
14. Богряник
15. Терак (момиқ чиқармайдиган тури)

**2023 -2027 йилларда Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги ташкилотлар томонидан экиладиган мавсумий гуллар режаси**

***(дона)***

| Т.р | Бошқармалар номи | 2023-2027 йиллар мобайнида экиладиган мавсумий гуллар режаси | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил | 2026 йил | 2027 йил |
| 1. | Ирригация хўжалигини ва кўкаламзорлаштириш объектларини таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармаси | 3 000 000 | 3 100 000 | 3 200 000 | 3 250 000 | 3 300 000 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2. | Марказий майдонларни ободонлаштириш ихтисослаштирилган бошқармаси | 1 000 000 | 1 000 000 | 1 050 000 | 1 050 000 | 1 050 000 |
| 3. | Ҳукумат объектларига хизмат кўрсатиш ихтисослаштирилган бошқармаси | 400 000 | 400 000 | 400 000 | 400 000 | 400 000 |
| 4. | Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси | 140 000 | 140 000 | 150 000 | 150 000 | 150 000 |
| 5. | Бектемир ТОБ | 200 000 | 200 000 | 200 000 | 200 000 | 200 000 |
| 6. | Миробод ТОБ | 200 000 | 200 000 | 200 000 | 200 000 | 200 000 |
| 7. | М.Улуғбек ТОБ | 300 000 | 310 000 | 320 000 | 340 000 | 350 000 |
| 8. | Сергели ТОБ | 120 000 | 130 000 | 130 000 | 150 000 | 150 000 |
| 9. | Олмазор ТОБ | 150 000 | 160 000 | 150 000 | 150 000 | 150 000 |
| 10. | Учтепа ТОБ | 130 000 | 140 000 | 150 000 | 150 000 | 150 000 |
| 11. | Шайхонтоҳур ТОБ | 200 000 | 200 000 | 220 000 | 220 000 | 220 000 |
| 12. | Яшнобод ТОБ | 200 000 | 200 000 | 200 000 | 200 000 | 200 000 |
| 13. | Чилонзор ТОБ | 300 000 | 350 000 | 300 000 | 300 000 | 300 000 |
| 14. | Юнусобод ТОБ | 200 000 | 250 000 | 200 000 | 200 000 | 200 000 |
| 15. | Яккасарой ТОБ | 200 000 | 200 000 | 200 000 | 200 000 | 200 000 |
| 16. | Янгихаёт ТОБ | 120 000 | 150 000 | 130 000 | 130 000 | 130 000 |
| **Умумий жами:** | | **6 860 000** | **7 130 000** | **7 200 000** | **7 290 000** | **7 350 000** |

## 2023 – 2027 йилларда Тошкент шаҳри туманларида экиладиган дарахт ва бута кўчатлари турлари ва миқдори

| Йил номи | Т/р. | Туман номи | Жами экиладиган кўчатлар ва қаламчалар миқдори | шу жумладан | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Каштан | Эман | Япон сафораси | Катальпа | Шумтол | Павлония | Заранг | Акация | Чинор | Ёнғоқ | Шарк туяси | Сурия атиргули | Хинд настарини | Мевали ва ёнғоқ мевали дарахт кўчатлари | Бошқа турдаги манзарали дарахт ва бута кўчатлари |
| 2023 йил | 1 | Бектемир | 6250 | 160 | 290 | 330 | 375 | 415 | 330 | 455 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 665 | 415 | 1705 |
| | 2 | Миробод | 6287 | 165 | 292 | 334 | 375 | 417 | 334 | 459 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 667 | 417 | 1709 |
| | 3 | М.Улуғбек | 6292 | 170 | 292 | 334 | 375 | 417 | 334 | 459 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 667 | 417 | 1709 |
| | 4 | Сергели | 6292 | 170 | 292 | 334 | 375 | 417 | 334 | 459 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 667 | 417 | 1709 |
| | 5 | Олмазор | 6292 | 170 | 292 | 334 | 375 | 417 | 334 | 459 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 667 | 417 | 1709 |
| | 6 | Учтепа | 6287 | 165 | 292 | 334 | 375 | 417 | 334 | 459 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 667 | 417 | 1709 |
| | 7 | Шайхонтохур | 6292 | 170 | 292 | 334 | 375 | 417 | 334 | 459 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 667 | 417 | 1709 |
| | 8 | Яшнобод | 6287 | 165 | 292 | 334 | 375 | 417 | 334 | 459 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 667 | 417 | 1709 |
| | 9 | Чилонзор | 6292 | 170 | 292 | 334 | 375 | 417 | 334 | 459 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 667 | 417 | 1709 |
| | 10 | Юнусобод | 6287 | 165 | 292 | 334 | 375 | 417 | 334 | 459 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 667 | 417 | 1709 |
| | 11 | Яккасарой | 6287 | 165 | 292 | 334 | 375 | 417 | 334 | 459 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 667 | 417 | 1709 |
| | 12 | Янгихаёт | 6255 | 165 | 290 | 330 | 375 | 415 | 330 | 455 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 665 | 415 | 1705 |
| **Умумий жами:** | | | **75400** | **2000** | **3500** | **4000** | **4500** | **5000** | **4000** | **5500** | **3000** | **2400** | **1000** | **1000** | **6000** | **8000** | **5000** | **20500** |

| Йил номи | Т/р. | Туман номи | Жами экиладиган кўчатлар ва қаламчалар миқдори | шу жумладан | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Каштан | Эман | Япон сафораси | Катальпа | Шумтол | Павлония | Заранг | Акация | Чинор | Ёнғоқ | Шарк туяси | Сурия атиргули | Хинд настарини | Мевали ва ёнғоқ мевали дарахт кўчатлари | Бошқа турдаги манзарали дарахт ва бута кўчатлари |
| 2024 йил | 1 | Бектемир | 6460 | 160 | 250 | 330 | 375 | 415 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| | 2 | Миробод | 6470 | 160 | 250 | 330 | 375 | 417 | 100 | 450 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| | 3 | М.Улуғбек | 6470 | 160 | 250 | 330 | 375 | 417 | 100 | 450 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| | 4 | Сергели | 6470 | 160 | 250 | 330 | 375 | 417 | 100 | 450 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| | 5 | Олмазор | 6470 | 160 | 250 | 330 | 375 | 417 | 100 | 450 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| | 6 | Учтепа | 6470 | 160 | 250 | 330 | 375 | 417 | 100 | 450 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| | 7 | Шайхонтохур | 6470 | 160 | 250 | 330 | 375 | 417 | 100 | 450 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| | 8 | Яшнобод | 6470 | 160 | 250 | 330 | 375 | 417 | 100 | 450 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| | 9 | Чилонзор | 6470 | 160 | 250 | 330 | 375 | 417 | 100 | 450 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| | 10 | Юнусобод | 6470 | 160 | 250 | 330 | 375 | 417 | 100 | 450 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| | 11 | Яккасарой | 6470 | 160 | 250 | 330 | 375 | 417 | 100 | 450 | 250 | 200 | 84 | 84 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| | 12 | Янгихаёт | 6460 | 160 | 250 | 330 | 375 | 415 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 670 | 800 | 1800 |
| **Умумий жами:** | | | **77620** | **1920** | **3000** | **3960** | **4500** | **5000** | **1200** | **5400** | **3000** | **2400** | **1000** | **1000** | **6000** | **8040** | **9600** | **21600** |

| Йил номи | Т/р. | Туман номи | Жами экиладиган кўчатлар ва қаламчалар миқдори | шу жумладан | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Каштан | Эман | Япон сафораси | Катальпа | Шумтол | Павлония | Заранг | Акация | Чинор | Ёнғоқ | Шарқ туяси | Сурия атиргули | Хинд настарини | Мевали ва ёнғоқ мевали дарахт кўчатлари | Бошқа турдаги манзарали дарахт ва бута кўчатлари |
| 2025 йил | 1 | Бектемир | 6575 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 665 | 800 | 2000 |
| | 2 | Миробод | 6577 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 667 | 800 | 2000 |
| | 3 | М.Улуғбек | 6577 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 667 | 800 | 2000 |
| | 4 | Сергели | 6577 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 667 | 800 | 2000 |
| | 5 | Олмазор | 6577 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 667 | 800 | 2000 |
| | 6 | Учтепа | 6577 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 667 | 800 | 2000 |
| | 7 | Шайхонтохур | 6577 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 667 | 800 | 2000 |
| | 8 | Яшнобод | 6577 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 667 | 800 | 2000 |
| | 9 | Чилонзор | 6577 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 667 | 800 | 2000 |
| | 10 | Юнусобод | 6577 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 667 | 800 | 2000 |
| | 11 | Яккасарой | 6577 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 667 | 800 | 2000 |
| | 12 | Янгихаёт | 6575 | 160 | 250 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 665 | 800 | 2000 |
| **Умумий жами:** | | | **78920** | **1920** | **3000** | **3960** | **3600** | **4920** | **1200** | **5400** | **3000** | **2400** | **960** | **960** | **6000** | **8000** | **9600** | **24000** |

| Йил номи | Т/р. | Туман номи | Жами экиладиган кўчатлар ва қаламчалар миқдори | шу жумладан | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Каштан | Эман | Япон сафораси | Катальпа | Шумтол | Павлония | Заранг | Акация | Чинор | Ёнғоқ | Шарқ туяси | Сурия атиргули | Хинд настарини | Мевали ва ёнғоқ мевали дарахт кўчатлари | Бошқа турдаги манзарали дарахт ва бута кўчатлари |
| 2026 йил | 1 | Бектемир | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |
| | 2 | Миробод | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |
| | 3 | М.Улуғбек | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |
| | 4 | Сергели | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |
| | 5 | Олмазор | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |
| | 6 | Учтепа | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |
| | 7 | Шайхонтохур | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |
| | 8 | Яшнобод | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |
| | 9 | Чилонзор | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |
| | 10 | Юнусобод | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |
| | 11 | Яккасарой | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |
| | 12 | Янгихаёт | 6610 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 500 | 700 | 800 | 2100 |

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Умумий жами:** | | | **79320** | **1920** | **1800** | **3960** | **3600** | **4920** | **1200** | **5400** | **3000** | **2400** | **960** | **960** | **6000** | **8400** | **9600** | **25200** |
| **Йил номи** | **Т/р.** | **Туман номи** | **Жами экиладиган кўчатлар ва қаламчалар миқдори** | **шу жумладан** | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | **Каштан** | **Эман** | **Япон сафораси** | **Катальпа** | **Шумтол** | **Павлония** | **Заранг** | **Акация** | **Чинор** | **Ёнғоқ** | **Шарқ туяси** | **Сурия атиргули** | **Ҳинд настарини** | **Мевали ва ёнғоқ мевали дарахт кўчатлари** | **Бошқа турдаги манзарали дарахт ва бута кўчатлари** |
| 2027 йил | 1 | Бектемир | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| | 2 | Миробод | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| | 3 | М.Улуғбек | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| | 4 | Сергели | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| | 5 | Олмазор | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| | 6 | Учтепа | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| | 7 | Шайхонтохур | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| | 8 | Яшнобод | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| | 9 | Чилонзор | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| | 10 | Юнусобод | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| | 11 | Яккасарой | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| | 12 | Янгихаёт | 7010 | 160 | 150 | 330 | 300 | 410 | 100 | 450 | 250 | 200 | 80 | 80 | 600 | 800 | 900 | 2200 |
| **Умумий жами:** | | | **84120** | **1920** | **1800** | **3960** | **3600** | **4920** | **1200** | **5400** | **3000** | **2400** | **960** | **960** | **7200** | **9600** | **10800** | **26400** |

# 2023 -2027 йилларда Тошкент шаҳри туманларда экиладиган дарахт ва бута кўчатларининг манзилли рўйхати

| № | Бош бошқарма, Бошқарма ва ташкилотлар номи | Маҳаллалар номи | Кўчалар номи | **Умумий жами** | шу жумладан: Дуб | Ясень | Каштан | Катальпа | Клён | Акация | Сафора | Павлония | Чинор | Ёнғоқ | Шарқ туяси | Сурия атиргули | Ҳинд настарини | Мевали дарахт | **Бошқа турдаги дарахт ва буталар** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Умумий жами:** | | | | **395 416** | **13100** | **24760** | **9680** | **19800** | **27100** | **15000** | **19840** | **8800** | **12000** | **4880** | **4880** | **31200** | **42040** | **44600** | **117700** |
| 1 | Ирригация хўжалиги ва кўкаламзорлаштириш объектларини таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармаси | Кумариқ МФЙ. | Аэропорт | **210** | | 5 | 5 | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Ракат МФЙ. Тепа МФЙ. | Бобур кўчаси | **200** | | | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Бўз бозор 1 МФЙ. Бўз бозор 2 МФЙ. Бахор МФЙ. | Мирзо Улуғбек кўчаси | **240** | 30 | 10 | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Асака МФЙ. | Мустақиллик Шох кўчаси | **210** | 10 | | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Шахрисабз МФЙ. | Ўзбекистон мехмонхонаси | **215** | 10 | 5 | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Минор МФЙ. | Ш.Рашидов кўчаси | **210** | 5 | 5 | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Қашқар МФЙ. Самарқанд дарвоза МФЙ. | А.Навоий кўчаси | **210** | 10 | | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Афросиёб МФЙ. | Якуб Колас боғи | **200** | | | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Ш.Рашидов МФЙ. | Мовий Гумбаз хиёбони | **220** | 20 | | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Бешёғоч МФЙ. | (Абай) Олмазор кўчаси | **200** | | | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Миробод МФЙ. | Нукус кўчаси | **200** | | | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Тўй-тепа МФЙ. | А.Қодирий кўчаси | **220** | 10 | | 10 | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Ш.Рашидов МФЙ. | Ўзбекистон тарих музейи | **200** | | | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Ат-Термизий МФЙ. | Афросиёб кўчаси | **210** | 10 | | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Буюк Турон МФЙ. | А.Темур кўчаси | **210** | 10 | | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Мовароуннахр МФЙ. | Элбек боғи | **205** | | | 5 | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | Ш.Рашидов МФЙ. | И.Каримов кўчаси | **200** | | | | | | | | | | | | | | | 200 |
| | | **Жами:** | | **3 560** | **115** | **25** | **20** | **-** | **-** | **-** | **-** | **-** | **-** | **-** | **-** | **-** | **-** | **-** | **3 400** |

**Тошкент шаҳрида ирригация ва суғориш тизимини ўрганиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлар режаси**

| № | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Тошкент шаҳар ва туманлар марказлари кўчаларидаги ирригация тармоқларини ҳатловдан ўтказиш. | Туман ҳокимлилклари ва Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бошқармалари Тошкент шаҳри ва туман марказлари кўчаларидаги ўз тасарруфларидаги ирригация тармоқларини биргаликда ҳатловдан ўтказиш ишларини амалга ошириш. | 2022 йил 1 ноябрь | Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари (Ш.Рахимджанов, А.Исроилов), Туман ҳокимликлари, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров), |
| 2 | Хатлов натижаларига кўра аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича аниқ чораларни белгилаш. | Ирригация тармоқларини хатловдан ўтказиш натижаларига кўра аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича аниқ чоралар белгилаш. | 2022 йил 15 ноябрь | Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари (Ш.Рахимджанов, А.Исроилов), Туман ҳокимликлари, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров) |
| 3 | Бундан ташқари, Фавқулодда вазиятларни олдини олиш мақсадида ёғингарчилик мавсумларида Тошкент шаҳри ҳудудларида сув тўпланиши ва сув тошиши мумкин бўлган манзиллар рўйхати аниқ шакллантириш ва бартараф қилиш чораларини кўриш | Баҳор-куз ёғингарчилик мавсумларида Тошкент шаҳри ҳудудларида сув тўпланиши ва тошиши мумкин бўлган манзилларни рўйхатини шакллантириш ва тегишли чораларни амалга ошириш. | 2022 йил 15 ноябрь | Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари (Ш.Рахимджанов), Туман ҳокимликлари, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Р.Хайдаров) Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров) |

| № | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочи |
|---|---|---|---|---|
| 4 | Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун (реконструкция, таъмирлаш ва ҳаказо ишлар) буюртмачи ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш. | Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун (реконструкция, таъмирлаш ва ҳаказо ишлар) буюртмачи ташкилотларни ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш. | 2022 йил 1 декабрь | Тошкент шаҳар ҳокимининнг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров) Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари (Ш.Рахимджонов, А.Исроилов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК (Р.Қўчқаров), Туман ҳокимликлари, Тошкент шаҳар Молия бошқармаси (Л.Исматуллаев), |
| 5 | Тошкент шаҳар ҳудудида сунъий суғориш тизимларини ўрганиш. | Сунъий суғориш тизимларини домий назоратга олиш ва аниқланган камчиликларни бартаф этиш. | Доимий | Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Умаров) |